Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 23 НОЯБРЬ, сешанба, № 88 (6.044). Сотувда эркин нархда

**2000 йил 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

***

**1999 йил 5 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва Маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни**

## Жумадан сешанбагача

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазири, Кенгаш раиси Ў. Султонов бошқарди.

● Иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарликнинг бориши Олий Мажлис Кенгаши томонидан кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказувчи 6154 округда барча партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, шунингдек, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатилган қарийб 17 минг депутатликка номзод рўйхатга олинган.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари, ҳукумат комиссиясининг раиси Б. Ҳамидов олиб борди.

● Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истеъмол бозори мажмуи йиғилиши бўлиб ўтди. Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов йиғилишда сўзга чиқиб, вилоятда фаолият кўрсатаётган соҳага тааллуқли корхоналар етарли иш олиб бормаётганини таъкидлади.

● Тошкент Ислом университетида «Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг Шарқ халқлари маданиятидаги ўрни» мавзуида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

● Наманган вилоятининг Уйчи тумани 23870, Норин тумани 23.375, Тўрақўрғон тумани 22530, Косонсой тумани эса 19050 тонна пахта тайёрлаб, йиллик шартнома режасини бажардилар.

# ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ — ХАЛҚНИНГ ҲОКИМИЯТДАГИ ТАЯНЧИДИР!




Гўзалкент тумани 5-Усмонобод сайлов округига қарашли, 207-сайлов участкасида номзодлар билан учрашув, ўрни келса сайлов қонунларини сайловчиларга чуқурроқ етказиш ишлари қизғин бормоқда. Чунки галдаги сайловларнинг ўз ўрни, хусусияти бор: энди маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик кетмайди.

Бу гапни мазкур участка вакиллари ҳам таъкидлашмоқда.

СУРАТДА: 207-сайлов участкаси (чапдан) ташвиқот гуруҳи бошлиғи Ўсар Файзиев, матбуот маркази раҳбари Хаитмурод Номозов ҳамда таркиб аъзоси Бозорбой Номозовлар галдаги вазифалар ҳақида ўзаро маслаҳатлашишмоқда.

Ш. АКРАМОВ олган сурат.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Жиззах вилояти деҳқонлари давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарди. Кейинги саккиз йил мобайнида илк бор зафар маррасига эришилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижаси ўлароқ, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, далалар мелиоратив ҳолати яхшилангани, илғор технология ва замонавий техникадан самарали фойдаланиш муваффақият гарови бўлди. Мавжуд 112 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 23 центнердан ошди. Топширилган 258 минг тоннадан зиёд пахтанинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Вилоят пахтакорлари келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш мақсадида кузги-қишки агротехника тадбирларини уюшқоқлик билан бошлаб юборди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## КИМНИ ТАНЛАСАК, ТАҚДИРИМИЗНИ УНГА БОҒЛАЙМИЗ

Депутат! Бу сўзнинг замирида жуда катта маъно бор. Бугунги депутат аввалги пайтлардагидек ҳайъат аъзолари қўлини кўтарса кўтарадиган, туширса туширадиган, тугмалари бировнинг қўлида бўлган қўғирчоқ эмас. У даврда депутат биров орқали бошқарилар эди. Энди-чи, йўқ!

Бугунги депутат мамлакат миқёсидаги ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётга дахлдор, жаҳон андозалари даражасидаги қонунлар қабул қилиниши учун билим ва салоҳиятга эга киши бўлмоғи керак. Кўплаб номзодлар орасидан ана шундай тафаккурли, эл иши учун жон койитадиганини танлаб, унга ўз овозимизни берсак, келажагимиз заминини қўйишга ҳиссамизни қўшган бўламиз. Ҳар бир сайловчи энг аввало қайси номзодни ёқласа, ўз тақдирини, бошқалар ҳаётининг нечоғлик бахтли, фаровон бўлишини шу депутатга боғлаётганлигини англаб етиши керак. Сайловчиларнинг юксак масъулияти энг муносибларни танлашда намоён бўлади.

**Маҳмуд НОРОВ,**
**Навоий туманидаги «Истиқлол» хусусий чорвачилик фермаси етакчиси.**

## ЭСКИЧА ҚАРАШ ЭМАСМИ?

Депутатликка номзоди кўрсатилган жамоа хўжалиги раҳбари сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Учрашувда мен ҳам иштирок этган эдим. Афсуски, диллашув мен кутгандек бўлмади. Раис бобо минбарга чиқиб олиб, кўчадаги тош йўлга асфальт ётқизиб, 10 йилдан буён қурилиши «оқсаётган» мактаб биносини зудлик билан битказиб бераман деб ваъда бериб юборди. Аксарият кишилар раис бобони қўллаб-қувватлади. Ҳаттоки, одамлар орасида «Энди елкамизга офтоб тегадиган кун ҳам келади» дегувчилар ҳам топилди. Шунда беихтиёр ўйланиб қолдим. Ахир, бунинг Шўролар замонидаги чираниб ўтказиладиган учрашувлардан умуман фарқи йўқ-ку. Бундай учрашувлар эл улусни алдаш, гапнинг ўғил боласини айтганда эскича қараш эмасми?

**Мардиқул СИДДИҚОВ,**
**Хатирчи тумани.**

## ОВОЗ БЕРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Демократик ва ҳуқуқий давлат фуқароси депутатликка номзодга овоз беришида аввало нималарга эътибор қаратиши зарур? Сайловчи дилидаги номзодни танлашида шу савол доим ёдида бўлмоғи лозим, деб ўйлайман. Негаки, кўчаларни асфальт қилиб бераман, дўкон қурдираман, деган замонлар аллақачон ўтди. Афсуски, баъзи номзодлар ҳамон шу усулни қўллаб сайланаман, деб умид қилиб юришибди. Айрим «тадбиркорлар» икки килодан шакар ёки бир жуфтдан калиш улашиб халқнинг кўнглини олишмоқчи. Йўқ, халқ ўзлигини энди таниди. Ўз тақдирини берадиган овози билан яратишини тушуниб етди. Унга тафаккури юксак, адолатли қонунлар қабул қилишда элга қайишадиган жонкуяр депутат керак.

**Фурқат ТОЖИБОЕВ,**
**Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт» хўжалиги бош ҳосилоти.**

## ҲАМ СЕМИНАР, ҲАМ СИНОВ

Яқинда Самарқанд шаҳар Боғишамол туман ҳокимлиги мажлислар залида Марказий сайлов комиссияси режасига кўра, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари округ комиссиялари раис ҳамда аъзоларининг сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Бўлиб ўтган семинар-кенгашда «Сайловлар тўғрисидаги қонунларни биласизми?» деган мавзуда тест синовлари ўтказилди. Йиғилганлар республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги тест маркази билан ҳамкорликда тузилган элликта саволга жавоб беришлари кўзда тутилган эди.

Семинар қатнашчиларининг аксарияти тузилган саволларга тўғри жавоб беришган. Уч киши эса эллик саволнинг барчасига мукаммал жавоб берганлиги қайд этилди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг муовини О.Дўстжонов, комиссия аъзолари, ҳуқуқшунос Х.Бобоев, С.Саматов, Ш.Ботировалар саволларга батафсил жавоб бердилар.

Семинар-кенгаш ишида Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг аъзоси, сайлов эксперти, кузатувчи Энн Гарднер иштирок этди.

**М. ЗИЁДИНОВ.**

## «ТЎСИҚ»ЛАР ЙЎҚ ДЕЁЛМАЙМАН

Эътиқодли, илғор фикрли ва ўз халқига садоқатли бўлган, кўп миллатли халқимизнинг давлат ва миллий манфаатларини энг мақбул даражада уйғунлаштира оладиган кишиларни сайлаш керак.

Хўш, бунинг учун тўсқинлик борми? Гапнинг рости «Йўқ» деб айтишга тилим бормайди.

Бир нарса равшанки, баъзи бир «тўралар» онгидан ҳали ҳам совет даврининг салбий тажрибаси бутунлай ўчмаган. Аччиқ бўлса-да, очиқ айтиш керак. Тушунган, билган, оқ ва қорани таниган, энг муҳими, халқимиз суянган баъзи ҳоким «ака»лар бош бўлган ҳолда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилмоқда. Хўш, бу билан нимага эришилаётир?

Яқинда Тошкентга кетаётган икки киши билан суҳбатлашиб қолдим:

— Қачон қайтасизлар?

— Бир ойдан сўнг.

Ҳайрон бўлиб яна сўрадим:

— Сайлов-чи, унда қатнашмайсизларми?

— Йўқ! Керак бўлса, бизнинг ўрнимизга ҳам сайлаб қўйишади.

— Қандай қилиб.

— Тошматни сайлаймиз десак зўр бериб, Эшматга овоз беришимизни талаб қилишади. Керак бўлса, бюллетенни ҳам ўзлари чизиб, ўзлари овоз беришади.

Ҳангу манг бўлиб қолдим. Аммо бу аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмасди. Зотан, четдан туриб билдирилган фикр, кўпинча одам кўзгудаги аксини кўрмоқдан кўра яхшироқдир.

**Сиддиқжон РАФИҚОВ,**
**Чортоқ тумани «Нуроний» жамғармаси раиси.**

## САЙЛОВ СИЙЛОВ ЭМАС — АДОЛАТЛИ ТАНЛОВ

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳар бир давлатнинг етуклиги кўп жиҳатдан унинг ўз фуқароларига берган ҳақ-ҳуқуқлари ва уларнинг амалда кафолатланиши ҳамда рўёбга чиқарилиши билан белгиланади. Истиқлол туфайли мамлакатимизда инсон манфаати илк бор ҳар нарсадан устувор деб эълон қилинди. Бу қоида асосий қонунимизда мустаҳкамланди. Конституцияга биноан ҳар бир фуқарога эркин танлаш, эркин сайлов ҳуқуқи берилди. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиятининг бутун кучи, қонун кучи билан ишончли тарзда ҳимоя қилинди.

Айни вақтда ҳар бир фуқаро ўзига берилган ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларни яхши билиши, улардан келиб чиқадиган бурч ва вазифаларни оғишмай бажариши, ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатиши лозим. Бу ҳолат фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига бўлажак сайлов жараёнига тобора кенгроқ қўшилаётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, юртимизда адолатли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган ҳозирги вақтда кенг ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатлари фаолияти учун барча шароит яратиб берилаётир. Сайловга тайёргарлик арафасида сиёсий партиялар ва ҳокимият органлари номзодлари билан бирга, жойларда фуқароларнинг ташаббус гуруҳлари томонидан ҳам номзод кўрсатишдек ноёб тажриба вужудга келгани ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Буларнинг ҳаммаси Конституциямиз ва сайлов тўғрисидаги қонунларда баён этилган жамият барча табақалари манфаатларини ҳисобга олиш ва уйғунлаштириш имконини беради.

Сайловларга тайёргарлик қизғин паллага кириб, номзодлар билан учрашувлар бўлиб ўтаётган ҳозирги босқичда сайлов эркинлиги, сайловчи ва сайланувчиларнинг қонун билан белгиланган ҳақ-ҳуқуқлари ва улардан келиб чиқадиган бурч ва вазифаларини барча фуқаролар онг-шуурига янада чуқурроқ етказиш ва шу асосда

(Давоми 2-бетда)

## ДЕҲҚОННИНГ БЕМИННАТ ДЎСТИ

*Олий Мажлис депутатлигига номзод, «Мевасабзавотбанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошқарувчиси Алиқул Шеров билан мулоқот.*

**ИСЛОҲОТ ҚИРРАЛАРИ**

***Банк 1995 йили ташкил этилган эди. Лекин ўтган давр мобайнида молиявий муассасанинг вилоятдаги банклар ўртасида ўз ўрнини топиши қийин кечди. Йил ҳар йили зарар билан якунланарди. Ўтган йилдан бошлаб жамоа барқарор фаолият кўрсатмоқда. Аста-секин молиявий муассасанинг обрўси ошиб боряпти. Биз банк бошқарувчиси Алиқул ШЕРОВ билан муваффақият омиллари, унга қандай эришилаётганлиги, умуман молиявий муассасада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида суҳбатлашдик.***

**— Алиқул Олимович, қисқа муддат ичида банк бошқармаси ишни қандай қилиб ўнглаб олишга эришди, муваффақият омиллари нималарда, деб ўйлайсиз?**

— Биз биринчи навбатда мижозлар билан ишлашга алоҳида эътибор бердик. Аввало уларга яхши муомала қилдик. Мижозларнинг барча талаб ва истакларини ҳисобга олиб фаолиятимизни шу асосда ташкил қилдик. Хизмат кўрсатиш маданиятини, тўлов интизомини яхшилаш, хизмат турларини кўпайтириш бизнинг асосий вазифамиз бўлди. Ходимларимиз жойларга чиқиб, мижозларнинг фаолиятини таҳлил қилди. Уларга зарур бўлган маслаҳатларни беришди. Кейин мижоз билан тузилган шартномани ўз вақтида беками-кўст бажаришга ҳаракат қилдик.

Шунингдек, ишимизга танқидий кўз билан қараш одат тусига кирди. Жамоамиз ўртасида тартиб-интизом яхшиланди. Айниқса, кредит бериш яхши йўлга қўйилди. Бу борада турли хил сансоларлик, қоғозбозликка чек қўйилди. Меҳнатимиз зое кетмади. Вақт ўтиши билан мужозларимиз сони кўпая бошлади. Уларнинг ишончи бизга

(Давоми 2-бетда)

## УМИДБАХШ ОДИМ

*Хива туманидаги Беруний номли хўжаликда иқтисодий соғломлаштириш қандай натижа бермоқда*

**МУАММО ВА МУЛОҲАЗА**

Бундан икки йил муқаддам қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тармоқ иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида ҳукуматимиз қарорига кўра иқтисодий ночор бўлган 104 хўжалик тажриба сифатида санация қилинган эди. Бир йил ўтгач уларнинг аксарияти йилни фойда билан якунланганлиги маълум бўлди. Давлат томонидан кўрилган иқтисодий чора-тадбирлар ўзининг самарасини берди.

Биз яқинда Хоразм вилоятининг Хива туманидаги санацияга тушган Беруний номли жамоа хўжалигида бўлдик. Хўжалик икки йил аввал санацияга тушган эди. Унга ўша йилиёқ ёш, илгари масъулиятли лавозимларда ишлаган Равшанбек Каримов раҳбар қилиб тайинланди. Хўжалик бошқаруви давлат томонидан берилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда иқтисодиётни тезроқ соғломлаштириш, олинаётган фойда миқдорини кўпайтириш борасида катта ишларни амалга оширди.

Натижа ёмон бўлмади. Дастлабки йилиёқ пахтачиликдан ташқари барча соҳаларда режалар ортиғи билан уддаланди. Асосий тармоқ ҳисобланган пахтачиликдаги қолоқликнинг боиси аввало ўтган йили об-ҳавонинг бироз мураккаб келиши ва айни ғўза ҳосилга кирган вақтда вилоятнинг барча туманларида кўсак қуртининг уларга катта зиён етказганлиги бўлди. Лекин шундай бўлсада хўжалик йилни бир миллион сўмдан ортиқ соф фойда билан якунлади. Илгари муттасил равишда зарар кўриб келаётган жамоа учун бу албатта катта ютуқ эди. Лекин бошқарув аъзоларини бу кўрсаткичлар қониқтирмасди. Жорий йилнинг бошида ўтган йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда гап борди. Ҳар ким ўз фикрини билдирди. Гапнинг лўндасини эса хўжалик раҳбари айтди.

(Давоми 3-бетда)

## ТАХТАКЎПИРЛИК САРКОР

**УЛҒАЙИШ**

Қорақалпоғистонлик шоликорлар астойдил меҳнатлари эвазига далаларда мўл шоли ҳосили етиштирдилар. Айни пайтда шоличиликка ихтисослашган хўжаликлардан режани ортиғи билан ўринлатганликлари ҳақида хушхабарлар келмоқда.

Ўрим-йиғим ишлари Тахтакўпир туманидаги «Макпалкўл», «Тахтакўпир», «Ўзбекистон хўжаликларида ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу хўжаликларда иш уч сменада ташкил қилинган. Ризқ-рўзимиз «қирмизи дон»ни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун барча чора ва тадбирлар кўрилган. Омборхоналар тоза, озода ва қуруқ, ҳосилнинг нормал ҳолатда сақланиши таъминланган.

Туманнинг аксарият деҳқон-фермер хўжаликлари ҳам йиллик режаларини бажариб, бугунги кунда режага қўшимча равишда шоли топширишмоқда. Куни кеча улар қаторига «Ўзбекистон» хўжалигидаги «Орзу» ва «Жайхун» деҳқон фермерлари ҳам қўшилишди. Ҳар иккала фермер хўжалиги ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиб, шартномани бажардилар.

Кези келганда соҳа жонкуярлари ҳақида ҳам тўхталиш жоиз: шоличилик илмининг билимдони, экин ҳолатини бир қарашдаёқ сезадиган «Макпалкўл»лик уста деҳқон, илғор бригада бошлиғи Сарсенбой Сейитназаров тўғрисида сўз юритишни лозим топдик.

(Давоми 3-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

САЙЛОВ: ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ–ДЕМОКРАТИЯ ГАРОВИ

ҚОП КЎТАРГАН ХОТИНЛАР

НОБОП ХОНАДОН ТАШВИШЛАРИ

